

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

TOMAS ALVA EDISON
(1847-1931)

2022

MART

№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
8-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-8**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-8**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АДАБИЁТ

1. Аҳмадҷонова Оқила ХАРАКТЕР ВА ҚАҲРАМОН	7
2. Хўжаев Сиддиқжон АГИОГРАФИК ВА ДИНИЙ-МИФОЛОГИК АСАРЛАРДА УЧЛИК ТИМСОЛИ	9



АДАБИЁТ

ХАРАКТЕР ВА ҚАҲРАМОН

Аҳмаджонова Оқила

ФДУ адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси

e-mail: ahmadjonovaO@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Асқад Мухторнинг “Чинор” романидаги Очил бува образи орқали ёзувчининг характер яратиш маҳорати таҳлилга тортилади.

Калит сўз ва иборалар: характер, образ, маҳорат, ғоя, композиция, чинор

Инсон маълум бир муҳитда яшар экан, унинг табиатида ана шу муҳитнинг таъсири яққол сезилиб туради. Инсон характерининг шаклланишида ана шу муҳит аҳамиятини эса инкор қилиб бўлмайди. Кучли ва собит характерлар ўткинчи муҳит таъсирига тез берилиб кетавермайдилар. Аксинча, унда муҳитга қаршилиқ кўрсатиш туйғуси кучли бўлади.

Бадий асарда гавдаланаётган характерлар билан у мансуб бўлган муҳит, шароит ўртасида ёки шу шароитда яшаётган кишилар ўртасида қарама-қаршилиқлар келиб чиқса, характернинг ўзгариши пайдо бўлади. Ёзувчи томонидан яратилган характерларнинг туб қарама-қаршилиқлари оқибатида мукамал инсон вужудга келади.

Ўзбек адабиётининг ёрқин вакили Асқад Мухторнинг “Чинор” романида Очил бува характерни кўп воқеа-ходисалар муҳитида сайқал топиб боради. Керак пайтида доно, тадбиркор, зукко инсонга айланса, баъзан маиший воқеаларга ечим тополмай қийналади, ўз наздида хатога йўл қўяди, гоҳида мавжуд сиёсатга ҳам қарши боради, ўз ақл-идроқи туфайли иш кўради. Очил буванинг кимлиги ва қандайлиги асар воқеалари давомида ҳаётга, одамларга, яқинларига, фарзандларига, табиатга бўлган муносабатида хулқи ва муомаласида намоён бўлиб боради. Очил бува ички кечинмаларини таҳлил этишда диалог, ички-хаёлий нутқ ва автор нутқиға эътибор бериш зарур бўлади. Яна шуниси характерлики, Очил бува характерига хос хусусиятлар кўпроқ унинг ёнида юрган, бирга турган, бирга ухлаган набираси Азимжон томонидан баён этилади, унинг ўй-фикрлари орқали берилади. “Чинор” романида кескин конфликтлар деярли учрамайди, (баъзи ҳолларни истисно қилганда) зеро, Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, “Чинор” руҳиятлар романидир. Очил бува ўзини табиатнинг бир бўлаги ҳисоблайди. У қушларни жамики, жонзотни, борлиқни, атроф-муҳитни, мангулик тимсоли – чинорни севади. У умрининг охиригача табиатга муҳаббатини сақлаб қолади, яқинларини, шу жумладан, инсонларни табиатни, борлиқни асраб-авайлашга чақиради. Набираси Азимжонда она юртига нисбатан муҳаббат уйғотади. Очил бува улкан ва олийжаноб қалб эгаси. У одамийликни улуғлайди, нопокликни қоралайди. Ҳақиқат ҳар қанча аччиқ бўлмасин, унинг юзага чиқиш тарафдори бўлади. Тўғри, баъзан у хатолар ҳам қилади. Лекин хатоларини тузатишга уринади. Зеро, Очил бува катта ғоявий-бадий умумлашмага эга бўлган образдир. Ёзувчи уни улкан чинорга қиёс қилади. Чинор эса халқ, мангулик рамзидир.

Асқад Мухторнинг аввалги асарларида ҳам қисман кўзга ташланган образлар замиридаги рамзий-мажозийлик хусусияти бу асарда, айниқса, бўртиб кўринади. Буни фақат Очил бува образидагина эмас, асар композициясида ҳам кўрамай. Ривоятлар ҳар бир қиссада ифодаланган ғоявий мазмуннинг эстетик таъсирини оширишга хизмат қилади, унга рамзийлик, романтиклик бағишлайди. Ўша давр учун характерли ғоя ва кайфиятлар Очил бува образи сиймосига жамланган. Зеро, ўз даврининг фарзанди сифатида Асқад Мухтор ҳам унинг сиёсий, ижтимоий қарашларидан, ғояларидан воз кечолмасди. Лекин бу нарса асар қимматиға таъсир этмайди. Очил бува бўлиб ўтган воқеа-ходисаларни, кўрган-кечирганларини ақл тарозусида ўлчайди, хулосалайди. Халқимизда воқеаларни олдиндан билгувчи валийсифат инсонларни борлиги шубҳасиз. Улар ҳеч ким билмаган, англамаган



нарсани биладилар, ички сезги ва туйғу уларни ҳеч қачон алдамайди. Улар ҳамиша тўғри, оқилона маслаҳат берадилар. Очил бува ана шундай донишманд инсонлар тоифасидан. Зеро халқ тимсолини ўзида мужассамлаштирган инсон ана шундай фазилатларга эга бўлиши ҳам табиий туюлади. Бош қаҳрамоннинг номланишига эътибор берамиз. Очил бува. Бу образнинг гўзал фазилатлари очил дастурхондай ҳеч тугамайди. Уни санаб санаб санамасан киши. Очил бува ўзини бутун борлиқни эгасидай тутди. Уйда бўлаётган ҳар бир ўзгаришларга, воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамайди. Аксинча, жон куйдириб юриши пировард натижани ижобий ҳал бўлишига ёрдам беради. Асар бежиз “Чинор” деб номланмаган. Унинг илдизлари бақувват, томирлари ҳар тарафга ёйилиб кетган. Набираси Азимжон бобоси билан бирга юриб, уни кашф этади, охир-оқибат ўзга юртга кет ишдан, бойликдан воз кечади. Қизиғи шундаки, Очил бува уни шунга мажбур қилинмайди. Лекин бутун хатти-ҳаракати, донишмандона сўзлари билан Азимжоннинг онгига таъсир этади, уни қадам-бақадам тарбиялаб боради, она юртига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади. Очил бува бирор нарсани шунчаки ўйламайди ёки кўнглига келтирмайди. “Юраги шув этиб” кетганда фалокат рўй беради, “кўнгли ғашланганда” яхшилик бўлмайди. Очил бува неварга куёви Сатторларникига кириб борар экан, ҳовлидаги мева ва сабзавотларни кўриб хурсанд бўлади. Аммо зум ўтмай хаёлига: “Аммо бирон туп гул экмаган экан, шуниси чакки бўлибди”, деган ўй келади. Очил буванинг кўнгли бекорга ғашланмайди. Воқеалардан маълум бўлишича, хонадон соҳиби Саттор ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, дидсиз, муҳаббатсиз киши бўлиб чиқади. Саттор учун гўзаллик бегона. У гўзалликни ҳам сотиб юбориши мумкин. Саттор осойишта, тинч яшаса бас. Бировнинг кўнгли, қалби билан неча пуллик иши бор. Майли, комила дилида бошқани яхши кўраверсин, аммо Сатторни ташлаб кетмасин, у билан яшайверсин. Бундай характерли кишилар жамиятни таназулга олиб бориши тайин. Буни Очил бува кечикиб бўлса ҳам пайқайди. Дастлаб бува “ундай набирам йўқ”, деб Комиладан воз кечади. Сатторнинг сўзларидан кейин эса бу аҳдидан қайтади. Мунаққид Озод Шарафиддинов роман ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: “... Чинор” воқеалар романи эмас, балки мушоҳадалар ва мулоҳазалар романидир⁴”. Биз бу фикрларга қўшилган ҳолда “Чинор” турли кайфиятлар, ўй-фикрларининг хилма-хиллиги ҳақидаги асар деб баҳолаган бўлар эдик. Чиндан ҳам ёзувчи ҳаётни кузатиш ва умумлаштириш натижасида қалбида пайдо бўлган чуқур мулоҳазаларини, ўйларини, дардларини китобхонга тўкиб солади, уни ҳам ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Психология фанига оид илмий рисоаларда мулоҳазалар, ўйлар абстракт (мавҳум) ҳолда берилди, таърифу тавсиф қилинади. “Чинор”да бундай ҳолатлар жонли образлар, ҳаётий характерлар орқали очилади. Шунинг учун ёзувчи бир-бири билан боғланмаган қиссаларни бирлаштиради, узвий алоқада бўлмаган характерларни бир жойга жамлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асқад Мухтор. Чинор. - Т.: Янги аср авлоди, 2015.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. -Т.: Шарқ, 2007.
3. Норматов У. Ижод сеҳри. -Т.: Маънавият, 1998.
4. Ўзбек адабий танқиди. Антология. -Т.: Турон-Иқбол, 2011.



АГИОГРАФИК ВА ДИНИЙ-МИФОЛОГИК АСАРЛАРДА УЧЛИК ТИМСОЛИ

Хўжаев Сиддиқжон

ФДУ адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси
e-mail: xo‘jayevsiddiqjon@gmail.com

Аннотация: Мақолада Шарқ ва Ғарб адабиётидаги агиографик ва диний-мифологик асарларда учлик тимсолининг бадий-фалсафий ва эстетик талқинлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: учлик, мифология, платонизм, тримурти, агиографик жанр, житие, энкомия, ожук дажы, универсал.

Агиография грекча “агиос” муқаддас, авлиё ва “ёзаман” сўзларидан олинган бўлиб, илоҳиёт ҳақидаги фан бўлиб, пайғамбарлар, авлиё-анбиё ҳаётини ва муқаддасликнинг тарихий, черковга оид жиҳатларини ўрганади. Масалан, “авлиёга мадҳ сано” агиографик жанри аниқ композицион қурилишга (кириш, асосий қисм ва хотима) ва асосий қисм тематик схемага а) авлиёнинг келиб чиқиши, туғилиши ва тарбияланиши; б) улўғ ишлари ва мўъжизалари, тақводорларча қазо қилиши; в) бошқа тақводорлар билан қиёсланиши) эга.

Агиографик асарлар бадий адабиётнинг катта қисмини ташкил этади. Илоҳиёт, черков, авлиё-анбиёлар ҳаёти тарихий, ижтимоий, маданий, адабий нуқтаи назардан ўрганилиши мумкин. Бундай турдаги асарлар Шарқ ва Ғарбда азалдан ривожланган¹. Агиографик адабиётга кўплаб стандарт мотивлар хос: масалан, авлиёнинг художўй ота-оналардан туғилиши, болалар ўйинларига қизиқмаслик (Алишер Навоий “Насойимул-муҳаббат”да Румий ҳақида, “Лисон ут-тайр”да ўзининг ёшлиги ҳақида ёзган) ва ҳ.к. Бундай мотивлар турли типдаги ва турли даврлардаги агиографик асарларда учрайди. Адабий жанр сифатида житие жуда қадим замонларда пайдо бўлган: маъбудлар ва қахрамонлар ҳақидаги мифологик ҳикоя ва қиссалар, антик даврдаги энкомия (одатда мархумни мадҳ қилишга бағишланган) ва Плутархнинг (“Қиёсий ҳаётномалар”и I аср). Ўз даврининг энг машҳур рус агиографларидан Пахомий Логофет 10 та житие ёзган бўлса, Епифаний Премудрий Стефан Пермский ва Сергей Радонежскийлар житиеларини ёзганлар². Людмила Салчаковна Мижит Тува адабиётида учлик:ожук дажы(уч мисрали шеър) поэтик жанри ҳақида сўз юритар экан, қизиқарли хулосаларга келади. Ожук дажы(ўчоқ тоши)нинг жанр сифатида шаклланиши Тува ёзма адабиётининг ярим асрлик ривожланишидан кейин содир бўлди. Ожук дажы Тува шеърлятидаги биринчи миллий жанр. Ожук дажынинг уч мисраси ўчоқнинг уч тошини эслатади (Дарвоқе, Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётида ҳам ҳажми уч мисрани ташкил этувчи мусаллас жанри бор). Уч мисрали шеър шаклига тарихийлик нуқтаи назаридан қаралса, ожук дажы тарихий илдизларга эга эканлиги маълум бўлади, чунки у нафақат оғзаки-поэтик ижодиёт (жумладан учлик-топишмоқлар), шу билан бирга тош битикларда қолдирилган уч мисрали қадимги туркий руник ёзувлари ҳам. Ожук дажы мақол ва топшмоқларнинг стилистик ўзига хосликларини: афористик услуб ва образларнинг аниқ-лўндалигини, тасвирий-ифода воситаларининг хилма-хиллигини ўзлаштирган.³

Уч хил унсурдан ташкил топган бутунлик (триединство), учлик (юн.trias, triados), уч шахс, тушунча, ҳодисаларнинг бирлиги сифатида умуминсоний дунёқарашлар мажмуи: мифология, дин, фалсафада (Шарқда тасаввуф, яъни муайян тизимга солинган таълимот) алоҳида ўрин эгаллайди. Учлик феномени дунё халқларининг моддий ва маънавий маданиятида диний, рамзий маънога эга. Маълумки, уч сони – мифологик-диний онгда энг кўп тарқалган сонлардан биридир. Шу билан бирга у уч босқичдан – пайдо бўлиш, гуллаб-яшнаш, ҳалок бўлишдан иборат бўлган “ҳар қандай жўшқин жараённинг”, ҳар қандай тизимнинг (жамиятнинг, маданиятнинг, ҳар қандай шахснинг, йўналишнинг, назариянинг ва

1 Жаҳон адабиёти. журн. 2018 й №2 Б. 203

2 Бу ҳақда қаранг: Ключевский В.О. Древнерусские жития как исторический источник. М., 1871 Грихин В.А. Проблема стиля древнерусской агиографии XIV-XV вв. М., 1974 Лихачев Д.С. Избранные работы в 3 тт. Т. 1. Л., 1987 Федотов Г.П. Святые Древней Руси. М., 1990 Византийские легенды. М., 1994 Топоров В.Н. Святость и святые в русской духовной культуре. Т.1, М., 1995 Живов В.М. Святость: Краткий словарь агиографических терминов

3 Дылыкова В.С. Тибетская агиографическая литература М. 2015, Стр. 352 .



х.к.) идеал модели ҳисобланади. ¹ Учлик антик даврда, айниқса фалсафий лойиҳалаштириш методини ишлаб чиқишда қўлланди. Масалан, платонизм (нус – псюхе – космос; ягона – ақл – қалб; чек – чексиз - сон); неоплатонизм (Ягона – ақл - қалб). Бундай учлик тимсоли асосидаги фалсафий тизимни немис классик фалсафасида ҳам учратамиз. Жумладан, Гегелда учлик диалектик ривожланишнинг идеал схемаси сифатида кўрилади: тезис – антитезис – синтез. Уч хил элементдан ташкил топган бутунлик ғояси кўплаб диний тартиб (система)ларда мужассамлаштирилган. Масалан, ҳинд Тримурти учлиги: Брахма, Шива, Вишну (яратувчи Тангри, вайрон қилувчи Тангри, асровчи Тангри); буддизмнинг “уч бебаҳо хазинаси”: Будда, Дхарма, Санхга; насронийларнинг Муқаддас учлиги: Ота-Худо, Ўғил-Худо, Муқаддас рух. Учлик кўплаб халқларнинг мифологик тизимида универсал тушунча ҳисобланади. Марказий Осиё халқларининг диний-мифологик дунёқарашида адабий қаҳрамонлар учлиги алоҳида ўринга эга. Масалан, мифлар, эртақлар, афсоналарда дунёнинг уч: юқори, ўрта ва қуйи қаватдан иборат эканлиги ҳақидаги ғояни кўриш мумкин. Атроф оламни моделлаштирувчи рамзлар тизими сифатида мифология (Э.Кассирернинг назарияси), туваликларнинг атроф олам ҳақидаги мифологик тушунчасида уч ўлчовли вертикал (тик) йўналишдаги тузилишга эга. Оламнинг бундай модели кўплаб Осиё халқларининг диний-мифологик онгига хос. Тува мифологиясида ушбу оламнинг уч ўлчовли тузилиши қуйидагича кўринишга эга: 1) юқори олам – Устуу оран (Курбусту ораны – Курбусту олами, Бурган ораны – Тангрининг олами); 2) ўрта олам – Ортаа оран (Сарыг Ортемчей – Сарик олам, Чырык Ортемчей – Ёруғ олам); Қуйи олам – Алдыы оран (Карангы Ортемчей – Қоронги олам, тамы - тубсиз).

Юқори ва Қуйи оламлар Манге Ортемчей (Мангу олам) дейилади, чунки бу оламларда одамлар ўлимидан кейин яшайдилар. Одам бу оламда мангу яшамагани учун уни мегечи Сарыг Ортемчей (алдоқчи Сарик Олам) сифатида тавсифланади. Шу тариқа, уч хил элементдан ташкил топган бутунлик муаммосини фалсафий ва диний-мифологик нуқтаи назардан кўриб чиқиш учликнинг умуминсоний дунёқараш мажмуидаги ўрнини англаш имконини беради. Бунда мифология ва дин ўзига хос учликни шаклланишининг дунёқарашга оид асоси ташкил қилади. Учлик – фалсафий атама (термин) бўлиб ҳодиса, тушунча, ривожланиш босқичлари ва х.к.ларнинг уч бирлигини билдиради. Файласуф П.А.Флоренскийнинг фикрича, “учлик сони ҳаёт ва онгнинг асосий категорияси сифатида ҳамма жойда ўзини кўрсатди”. Жаҳон фалсафий тафаккурининг энг қадимги манбаларида учлик олам тузилишининг уч хил тартибининг асосий тамойилларидан бири эканини англатиши, учликнинг инсоният тарихи қаъридаги қатламга тегишли эканини кўрсатади. Мисол учун ҳиндларнинг Упанишадларида (милоддан олдинги IX-VI асрлар) қуйидаги мисралар бор: “АУМ! Бу товуш – ҳаммаси шу. Мана унинг изоҳи: ўтмиш, ҳозир, келажак – буларнинг барчаси АУМ товушидир”. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, анъанавий учликлар агиографик асарлар сюжетини ҳаракатга келтиради. Адабий қаҳрамонларга навбатдаги фаолият учун йўл очади, фабуланинг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Воқеа ва қаҳрамонларни қиёслаш имкониятини юзага чиқаради. Демак, агиографик асарларда учлик ўзига хос ғоявий, бадиий эстетик функция бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дылыкова В.С. Тибетская агиографическая литература М. 2015, Стр. 352 .
2. Жаҳон адабиёти. журн. 2018 й №2 Б. 203

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 8-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000